

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ МИЛЛИЙ МАТОЛАРИ (ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ,  
МАТО ТУРЛАРИ, АНЬАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК)**

**Хамрохўжаев Бахтиёр Яхёхонович**

*Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси*

**Бахромов Улугбек Гапуржонович**

*Наманган Давлат Университети доктаранти.*

**Мамашарипова Машхура Бахтиёржон қизи**

*Наманган муҳандислик-технология институти талабаси.*

**Аннотация:** Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, ҳалқ бадиий ва амалий санъатни ривожланиши, бу орқали ҳалқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиши, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиши орқали уларнинг иш билан бандлигини тамиллаш бизнинг асл мақсадимиз.

**Калит сўзлар:** ҳунарманд, Фарғона водийси, Тақинчоқ, мунҷоқ, ақиқ, минерология, безак, бинафша ранг, билагузук.

**Аннотация-наша изначальная цель-обеспечить занятость нашего народа через развитие национального ремесла, художественного и практического искусства в нашей стране, через которое мы в полной мере сохраняем богатое культурное наследие и исторические традиции нашего народа, привлекая к ремеслу незанятое население, особенно молодежь, женщин и малообеспеченные семьи.**

**Ключевые слова:** Хунарманд, Ферганская долина, ювелирные изделия, бусины, Агат, Минералогия, украшение, фиолетовый цвет, браслет.]

**Annotation-our original goal is to ensure employment of our people through the development of national craftsmanship, artistic and Practical Art in our country, through which we fully preserve the rich cultural heritage and historical traditions of our people, by attracting the Union occupied population, especially young people, women and low-income families to craftsmanship.**

**Keywords:** hunarmand, Fergana Valley, jewelry, beads, Agate, Mineralogy, decoration, purple color, bracelet.

С.М. Маҳкамованинг маълумоти бўйича қадим замонда Ўрта Осиёда тўқимачилик ривожлангани тўғрисидаги маълумотлар араб ва форс жуғроф ва тарихчилари ал-Муқаддасий, Наршахий, Ибн-Хавкал асарлари учрайди[1].

Бу маълумотларда Ўрта осиёдаги матоларни ишлаб чиқариш ва уларни ички бозорда, ташқи бозорда сотилганлигини аниқлаш мумкин. Яна бир манбаларда Сўғд шаҳарларида шойи ва нимшойи матолар ишлабчиқарилганлиги хақида маълумотлар берилган. Бу матоларни ишлаб чиқариш учун юнг, зигир, раҳта ва ипак хом ашёси қўлланган.

Илмий ўрганишлар ўтказганимизда Фарғона водийсида бу матоларда асосан пахта ва ипак ишлатилган. Бу матоларни номларини водий мисолида кўриб чиқамиз:

духоба, баҳмал, адрес, бекасам, банорас, ипак рўмол, атлас, хон атлас, девор жойшаб, ойпалак, сўзана, зардевор, чиммат, жойнамоз, мишрик мато. Бу матолар асосан безашда гулдор ва йўл-йўл шаклда бўлган. Татқиқотимиз асосан водийдаги абрбанди усталар, тикувчилар, тўқувчилар, водий савдогарлари, тарихчилар, санъатшунослар, Фарғона, Наманган, Андижондаги музейлар, шахсий коллекционерлар ва дала маълумотлаига асосланган.

Буонамозорда суюқдан ясалган моки, жуда кўп миқдорда қадоқ тошлар, урчуқлар, идишлардан мато изларининг топилиши бу ерда яшаган аҳолининг турмушида тўқувчилик катта роль ўйнаганлигидан гувоҳлик беради. Тош ва сополдан ясалган юзлаб урчуқларнинг ҳамда суюқдан ишланган ва тўқимачиликда матони силлиқлаштиришда ишлатиладиган тароқсимон асбобларнинг топилиши буонамозорликлар ҳаётида тўқимачилик ривож топилганлигига ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Кўпгина марҳумлар бош остида матодан тикилган ёстиқча қўйилган. Диққатни жалб этган иккинчи нарса дафн этилган баъзи кишиларнинг бетига ипак парда ёпилган. Ва ниҳоят охиргиси айрим жасадларнинг оёқлари маҳсус ипак лента билан бир-бирига боғлаб қўйилган. Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларнинг ҳаммаси шу ерда яшаб ўтган қадимги Фарғона аҳолиси урф-одатлари ва диний қарашларидан келиб чиққан[2].

Бизни таҳлилимиизга кўра қадимда марҳумлар тобутларга уст-бошлари, қурол – яроғлари, зеб-зийнатлари ва асбоб-ускуналари хатто кийимлар билан қўйилганлар. Топилмалар ичida пахта кўсаклари алоҳида аҳамиятга эгадир. Кўсаклар ҳаммаси уч чаноқли бўлган.

Мунҷоқтепада Марказий Осиёда биринчи марта жуда кўплаб ипак ва пахта мато қолдиқлари аниқланди. Бу V-VII асрларда кийим бош ва у билан боғлиқ тўқимачилик саноати ривожланганлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шу вақтгача V-VII асрларда Хитойдан келтирилган ипак матолар кенг тарқалган деган фикрлар бор эди. Мўнҷоқтепа ипаклари шу фикрни рад этиб Фарғонани ипак ишлаб чиқариш маркази бўлганлигини исботлади. Пахта мато қолдиқлари ва ғўза кўсаклари тарихи пахтачилигимизда янги сахифадир.

Тобутлардаги марҳумларни усти бошлари илмий адабиётларда, тарихчи Боқијон Матбобоев илмий ишларини ўрганганимизда, аввал ипакдан тайёрланган қўйлаклар устидан эса пахта матодан ипак бош кийим кийганлар, оёғларига эса маҳси кийишган Хозирги маҳси 1500 йиллик тарихга эга. Унинг ёғоч қолипи ва чарм қолдиқлари бази қамиш тобутларда сақланиб қолган. Уст-бошлардан яна бир хили хозирги шалварга ўхшайди. Марҳумларни бош қисмидан лентага ўхшаш мато қолдиқлари аниқланган. Этнографик маълумотларга кўра бундай пешона бандларни ёш турмушга чиқмаган қизлар боғлаган.

Қадимги Поп аҳолиси орасида тўқимачилик алоҳида хунармандчилик соҳаси сифатида кенг ривожланган. Бизга хозирги кунда икки ҳил матодан ипак ва пахтадан қилинган уст бош қолдиқлари маълум. Шуни такидлаш керакки, ипакдан қилинган

материаллар кўпроқ топилди. Бунга сабаб ипак бошқа матолардан узокроқ сақланади. Бу куйлакларнинг тикилиши ва бичилиши этибор билан бажарилган. Ипак матоларнинг ранги асосан 3 хил тўқ яшил, тўқ қизил ва тўқ жигарранг бўлган. Тўкув дастгоҳининг қолдиқлари қадимда бу ерда марказлаштирилган тўқимачилик устахоналари бўлганлигидан далолат беради. Йигирув ишлари билан хотин-қизлар шуғилланган. Буни аёл тобутда учрайдиган урчуқлар мисолида кўришимиз мумкин.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларда Д. Салтовская Фарғона водийсининг шимолий-ғарбий қисмидаги археологик қазишмалар ўтказиш чоғида милоднинг I асрларга оид қатламлардан пахтанинг чигитини топган эди[3].

Энг қадимги матолар тўғрисида биз фақат археологик материаллардан билишимиз мумкин, яни матоларнинг қандай эканлигини кулолчилик буюмларга кулолчилик буюмларига ёпишиб қолган излардан билиб олишимиз мумкин. Чунки, энг қадимги кулолочилик буюмларини кулолчилик чархида ясашмаган. Наманган ҳунарманчилик ушмаси азоси уста Абдураҳмонов Рустам аканинг айтишича дастлаб қум тўлдирилган матонинг атрофига лой ёпишириб, тайёрланган идиш офтобда қуритилган. Шундан кейин қум тўкиб ташланиб, мато ҳам қуриган идишдан ажратилган. Бу технологиядан хозирги кунда Яман Республикаси Сокотра вилоятида фойдаланилмоқда. Ўрганишлар натижасида Фарғона вилоят тарих музеида 1455 рақам ости шундай кулолчилик намуналари аниқланди. (1-расм)



1-расм. Мато излари сақланиб қолган сопол идиш парчалари.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғона водийсида кўпроқ уй шароитида матолар тайёрланган. Мато тайёрлаш биз татқиқот олиб борган ҳудутларда турлича бўлган. Масалан Марғилон, Наманган, Кўқонда ахоли асосан дехқончилик билан шуғилланган натижада ипакдан ва пахтадан тайёрланган ип-газлама матолардан фойдаланилган. Чорвачиликка ихтисослашган кўчманчи ва ярим ўтрок ахоли орасида эса жун, теридан кийим кечаклар истимолда бўлган.

XIX аср охирига келиб бошқа ҳудудларга нисбатан Фарғона водийсидаги ахоли киядиган кийимларнинг умумий ўзбек кийимлар шаклига яқинлашиш жараёни кучлилигини кузатиш мумкин. Водийда кўплаб, хилма-хил безакли матолар тайёрланган. Бундай матоларнинг ранг-баранг гулли бўлишига, гулларнинг бир-бирига мос-уйғун келишига, шунингдек, йўл-йўлларининг ораси кенгроқ бўлишига

аҳамият беришган. Бундай безакларни яратишда усталардан расомлик маҳорати талаб қилинган. Биз кўп усталар билан сұхбатлашганимизда улар моҳир нақош ёки моҳир рассом бўлишган. Демак қадимдан бизда мато тайёрлаш жараёнида усталар тасвирий санътни яхши билишган. Буни улар яратган матолар гуллари, нақишлиари, рангларидан билишимиш мумкин. Яшил тусли йўл-йўл гуллар, сарик, сиёхранг гуллар билан уйғун равишда алмашиниб келадиган бекасам, ипак ва нимшойи матолар қишлоқларга нисбатан шаҳар марказларида жуда қадирланган.

Биз Фарғона водийси хунармандчилиги ўрганганимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар худудлар бўйича турлича ривожланган. Жумладан Марғилон, Ҳўжанд, Кўқонда асосан ипак ва абр матолар ишлаб чиқарилган. Бешариқ ва Кўқонда матога ишлов бериш ривожланган. Наманганда тери-чарм маҳсулотлари ишланган. Шу ўринда такитлаш жоизки, Марғилон аҳолиси ипак, ипак толаси ва атлас матолар, жун ва қофоз матолар ишлаб чиқариш билан ҳам машҳур бўлган.

XIX асрнинг охирларида Фарғона водийси ипакчиликнинг йирик марказларидан ҳисобланган. 1896 йили Марғилон, Наманган ва Кўқон уездларида олти юзтагача шойи тўқиши устахонаси фаолият юритган бўлса, Тошкент уездида улар сони йигирматадан ошган. 1910 йили Фарғона водийсида 3165 ишчи меҳнат қилган 1387 шойи тўқиши устахонасида иш юритган, Марғилондаги 911 та устахонада эса 2590 киши ишлаган. 1920 йилнинг сентябрида Фарғонада ипак йигурув фабрикаси ишга туширилган[5].

1926 йилда Фарғона тикувчилик фабрикасининг биринчи навбатдаги (10000 урчук ва 300 тўқув дастгоҳи)си иш фаолиятини бошлаган. Жумладан, Марғилонда “Атлас” фирмаси, Кўқон ва Наманганда шойи тўқиши фабрикалари асосан ипак игазламалари ишлаб чиқара бошлайди[6].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсида Наманган, Андижон, Кўқон, Бешариқ ва Марғилон каби марказларда қуйидаг матолар тайёрланган.

Хулоса қилиб айтганда “Ипак маркази” га айланган Фарғона водийси миллий шойи матоларни тайёрлашда алоҳида ўрин тутган. Фарғона водийсининг қулай табиий шароити, тутзорлар барпо этиш учун сугориладиган ерларнинг мавжудлиги, аҳолининг ўтроқ ҳолда яшаши, ипак қурти боқиши ва қўл меҳнатига асосланган маҳалий ипакчиликнинг ривожланиши кенг истемолдаги бозорларда бекасам, адрес, шойи каби харидоргир ипак матолар кўпайишига олиб келган. Битта хонада икки ва ундан кўп тўқувчи дасттгоҳи мавжуд бўлиб, уларда шойи, ярим ипак матолар ҳамда атлас тўқилган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Г.Хасанбоева. Тўқимачилик дизайн тарихи. “Иқтисод-молия”.2006. Т. Б-119.
2. Й.Қосимов. Қадимги Фарғона сирлари. Наманган. 1992 й. Б-46.
3. Е. Сальтоаская. Северо-западная Фергана в древности и раннем средневековье.- Душанбе. 1971 С-141.

30 IYUN / 2022 YIL / 20 – SON

4. И.М.Жаббаров. Ўзбекистон турмуш тарзи ва маданияти. Т.,2003. 198-бет:  
М.Жамилова. Туркистон бадиий хунармандчилиги. “Гулшан”.№;1. 2001, 17-бет.
5. Л.Каримова.Фарғона водийси-ўзбек шойи тўқимачилик маркази. Т.2017.-Б-10.
6. Оқилова К. Марғилоннинг замонавий газламалари. Санът. №2. 1999, Б. 36.
7. Алимова Н. Фарғона водийси ипакчилликги// Moziydan sado.-Т.:2016.№1.-Б.36